

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

“Кино телевидения ва радио санъати” факультети
“Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси

БЎРИБОСАР

номли мультсценарий
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: 5050200 – Санъатшунослик (драматургия)
Таълим йўналиши 4-курс талабаси
Султонов Баҳодир Султон ўғли

Курс раҳбари:
Санъатшунослик маданиятшунослик
кафедраси доценти
Н.Н.Норқобилов
«25» May 2018 йил
йил

Илмий раҳбари:
Санъатшунослик фанлари
номзоди, доцент
О.З.Ризаев
«25» May 2018



Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки химоядан ўтди.

45 сонли баённомаси «4 May 2018 - йил

ТОШКЕНТ - 2018

МУНДАРИЖА

1. Кириш (асар таҳлили).....	3-14
2. Асарнинг тўлиқ матни.....	15-30
3. Фойдаланган адабиётлар рўйхати.....	31-33

Кириш

XXI аср – интернет асридир. Тобора чўққисига чиқиб бораётган тараққиёт кун сайин бизларнинг имкониятларимизни кенгайтириб борапти. Бу албатта бизнинг ютуғимиздир. Аммо, ҳар қандай яхши нарсанинг бир ёмон томони бўлганидек, инсонлар ушбу имкониятлардан ҳар доим ҳам тўғри фойдаланаётгани йўқ. Дунёнинг қайси бурчагида бўлишига қарамасдан ҳар қандай ахборот интернет орқали бир зумда етиб келмоқда. Ачинарлиси ёшларнинг маълум қисми зўравонлик ва беҳаёлик акс эттирилган ведиолавҳалар таъсирига тушмоқда. Хаттоки бир қанча машҳур оммалашган фильмлар ҳам инсон руҳиятига салбий таъсир қилиши рад этиб бўлмас ҳақиқатдир. Дунёда кўпгина таниқли хонандалар гўзал тароналар яратади. Қўшиқлар клипи ичига яширинган ярим яланғоч аёллар, қимматбаҳо машиналар, енгил-елпи ҳаётни тарғиб қилиши ҳам бор гап. Олдинлари йиқилган одамга қўлини чўзганлар, энди уларни сурагга олиш билан банд. Узоқ эмас яқин-яқингача дарёга чўп ташламай, сувни покиза сақлаган одамлар, энди ўша сувга бемалол ахлат ташламоқда.

Адабиёт ва санъат инсон руҳиятини тарбиялар экан, ҳар қандай ижодкор буни чуқур англаб етган ҳолда ўз ижодини олиб бориши зарур. Тўғри китоб ёки кино ҳамма одамларни бирдай яхшига айлантириб қўёлмайди. Лекин битта одамни ижобий тарафга ўзгартиролса ҳам ўша одам кези келса дунёни қутқариб қолиши мумкин-ку ахир. Қуйида келтирилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқларидан келтирилган намуналар жамланмаси бугунги кун, ёшлар ва уларнинг тарбияси ҳақида айтилган ҳақиқатдир:

“Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи

даражали вазифамиз деб биламиз. Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини мен жуда-жуда истардим. Мана, улуғ аждодимиз нима деб ёзганлар: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”. Қаранг, қандай бебаҳо, олтинга тенг сўзлар! Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу сўзларнинг чуқур маъноси ва аҳамияти янада яққол аён бўлади. Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой меросига таянамиз. Фарзандларимиз, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни, хорижий тилларни эгаллашлари, ҳар томонлама соғлом ва

баркамол бўлиб, ҳаётдан муносиб ўрин топишлари учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. Бизнинг навқирон авлодимиз манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолиятимиз яқинда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун асосида қатъий давом эттирилади. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати барча ёшларимиз интиладиган, уларнинг қобилият ва иқтидорини рўёбга чиқарадиган ва манфаатларини ҳақиқий ҳимоя қиладиган ташкилотга айланиши учун барча чораларни кўрамиз. Бугунги кунда “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!” деган ҳаётий даъват ҳар биримизнинг, ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг онги ва қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизини ёки 10 миллионини 30 ёшгача бўлган ёшларимиз ташкил этади. Ёшларимиз ҳақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Бу соҳада олиб бораётган кенг миқёсли ишларимизни, хусусан, таълим-тарбия бўйича қабул қилинган умуммиллий дастурларимизни мантиқий якунига етказишимиз зарур.

Ҳукуматнинг, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда бутун таълим тизимининг, ҳурматли домлаларимиз ва профессор-ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифаси – ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир. Фарзандларимиз учун замонавий иш жойлари яратиш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган ишларимизни янги босқичга кўтаришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб

қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз. Бугун қанча ёшлар сохта алдовларга учиб, ўз умрини хазон қилаётганини ўйлаб, тўғриси, тунлари ухламасдан чиқаман. Ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, бу аччиқ ҳақиқат юрагимизга ханжар бўлиб санчилиши керак эмасми? Ахир, кечагина шу ёшлар, ўзимизнинг қорақўзлар, биримизнинг маҳалладошимиз, биримизнинг ўғлимиз, биримизнинг қизимиз ёки жиянимиз эди-ку! Улар қачон адашди, қачон нотўғри йўлга кириб кетди? Биз нега ғафлатда қолдик? қачон, қаерда хатога йўл қўйдик? Фарзандларимиз қачон бегоналарнинг қўлига ўтиб кетди? Нима жин урдию улар ўз ота-онаси, ўз юртининг душманига айланиб қолди? “Бола ота-она қўлида бир омонатдир”, дейди буюк алломаларимиз. Болаларимиз, уларнинг тақдири, келажаги ҳақиқатан ҳам жуда омонат эканини бугунги ҳаёт ҳар томонлама исботламоқда. Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас. Биз, кўпинча болам мактабда, ўқишда ёки чет элда ишляпти, деб хотиржам юрибмиз. Лекин бизнинг бундай соддалигимиз, бепарволигимиздан душманлар маккорлик билан фойдаланмоқда. Бизнинг жону жаҳонимиз бўлган фарзандимиз душманлар қўлида қуролга айланиб қолса, бунинг учун аввало ким айбдор? Ўзимиз эмасми? ” – дея такидлади Президентимиз Шавкат Мирзиёев.

Мавзунинг долзарблиги

Турли сабабларга кўра одамлар ўзга юртларга бориб қолишади. Баъзилар қайтиб кела олади, баъзилар эса ўша ерларда қолиб кетишади. Ўзга юртда жони узулиб қолишидан чўчиб ёнида бир сиқим ватан тупроғини олиб юрадиган мусофирларни ёки ватанга қайтганида кўзига тупроқни суртганларни кўп кўрганмиз. Миллат яшаб қолиши учун икки асосий омил бор. Биринчиси она ер бўлса, иккинчиси ўзликдир. Она еримиз киндик қони тўкилган, ватандир. Ўзлигимиз бўлса она тилимиз, эътиқодимиз, қадриятларимиздир ва тарихимиздир. Ўзбек халқини чинор деб олсак ватанимиз тупроқ, ўзлигимиз илдиздир. Бу икки тушунчани бирини иккинчисидан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Ватандан айрилган халқ йўқликка маҳкумлигидек ўзликдан айрилганлар яшамайди. Дарахт илдизи бўлмаса ҳам, тупроғи бўлмаса ҳам қуриydi. “Бўрибосар”, гарчи хайвонот дунёси ҳақида бўлса-да, унда айнан макон, яъни - ватан тушунчаси устувор. Асар бош қаҳрамони Бўрибосар бўрилар орасида бўридек бўлишга ҳаракат қилади, лекин, доим ўзи туғилган макон-заминга, инсонлар орасига интилади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Ҳар қандай бадиий асарда жониворлар тимсолида аслида инсонлар назарда тутилади. Азалдан бўрилар ва чўпонлар бир-бирларига ёв. Чўпоннинг ҳам, бўрининг ҳам ўз ҳақиқати бор. Бу курашда бўри ўткир тишларига суянса, инсон зеҳнига таянади. Бўрибосар аслида итларнинг алоҳида зотидир. Бундай итларнинг онаси ит, отаси бўри. У битта она итдан битта зурриёд бўлиб дунёга келади. Бўрибосарни чўпонлар авайлаб махсус ўстиришади. Бўрибосардан бўрилар хайиқади. Бўрилар табиатда тўда бўлиб ов қилади. Улар қорни оч бўлганида йўлларида чикқан жониворга баъзан одамга ҳам ташланади. Улар қўй кўрасига кириб қолса, қорни тўйганича эмас, кўнгли тусаганича чавақлайди. Мазкур мавзу адабиётда, айниқса болаларга

мўлжалланган кўғирчоқ спектакль ва мультфильмларда учраб туради. Бироқ, миллий болалар драматургиясида у кам учрайдиган ходисадир. Шу маънода, “Бўрибосар” бўрилар тўдаси мисолида ҳамиша ёнма-ён яшовчи ҳайвонот олами ва инсонлар дунёси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳамда табиий муносабатларни бадиий образлар орқали тасвирлаш орқали болаларда табиатга, ҳайвонот оламига бўлган ижобий муносабатни шакллантиришга қаратилган асардир.

Мақсад ва вазифалари

Асарда ҳайвонот олами орқали мажозий маънода баъзи адашган кимсаларни йўлга солиш, ёшларни халол, мард, ватанпарвар бўлишга, ўз юртини ва ўзлигини унутмасликка ишора бор.

Асар композицияси

Кириш

Воқеа чўпон боланинг Бўрибосарга катта бўлсанг бирга ҳамма бўриларни қувиб юборамиз дейиши.

Тугун

Қорабошнинг хужуми натижасида Бўрибосарнинг дарёнинг нариги томонига ўтиб қолиб, ўз туғилган еридан ажралиб қолиши.

Воқеалар ривож

Бўрибосарни Тумора - она бўри топиб олади. Туморанинг оиласи бунга қарши бўлса ҳам, у Бўрибосарни оналик меҳри билан асраб олади. Оқил

бўрилар сардори Туморанинг жуфти Кўккуюнга дарё бўйини назорат учун беради. Қорабош Кўккуюнга фитна уюштираётиб ит боласи ҳақида билиб қолади. Қорабош учун бу айтиш муддао бўлиб, бўрилар тўдасини Кўккуюнга қарши қайрайди. Аммо, Оқил сардор Кўккуюн тараф бўлгани туфайли бўрилар тишларини тишларига қўйиб чидашади. Қорабош содиқ ёрдамчисига Оқилни ўлдиришни ва бу ишни Бўрибосар қилганини айтишни буюради. Бу орада Бўрибосар кучга тўлиб, оила ишончини қозона бошлайди. Қорпарча билан яқин бўлиб қолади.

Конфликт

Асарда конфликт икки хил кўринишда намоён бўлади. Бир қарашда Бўрибосар ва бўрилар тўдаси ўртасидаги зиддият, иккинчи томонда бўрибосарнинг ички оламида рўй бераётган қарама-қарши туйғулар кураши. Бўрибосар ташқи зиддиятлар билан курашиб толиқмайди, бироқ уни кўпроқ ички зиддият, яъни мен итманми ёки бўри деган савол қийнайди.

Кульминация

Қорабош барча бўриларни ўзига эргаштириб, Бўрибосар баҳона Кўккуюн оиласини йўқ қилишга ҳаракат қилади. Улар мақсадига етай деб қолганида, яраланган Оқил пайдо бўлади ва Қорабошнинг ёвузликларини очиб ташлайди. Шу билан Қорабош Оқилни ўлдириб “мен бўрилар сардориман” - деб жар солади. Ёвуз Қорабошга қарши чиқишга ҳеч ким ботинолмай қолганда, Бўрибосар у билан яккама-якка жанг қилиб, уни мавҳ қилади.

Ечим

Асар якунида Бўрибосар уни боқиб, оёққа турғазган Чўпоннинг ўғлини учратиб қолади. У болалагини, Чўпон бола билан ўйнаб юрган кезларини, бўриларнинг ҳужумини эслайди. асар сўнгида Бўрибосар бўрилар тўдасидан кетиб, Чўпон бола ёнига қайтишга қарор қилади.

Хулоса

Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият — янгилмас куч” китобида маънавият масаласига алоҳида эътибор бериб “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, шакл шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзи бўларчилиққа ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас кадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин”, — деб ёзади. Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Сахродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек, инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавий чашмасини излайди. Ер, оила, ота-она, болалар, қавм-қариндошлар, кўни-қўшнилари, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик — маънавиятнинг маъноси ана шундай жуда кенг. Инсон ўзини халқининг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, ўқиб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади. Бундай масъулиятли вазифани амалга оширишда болалар учун яратилган санъат асарларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Биринчи Президентимиз 2009-йилда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раисини қабул қилиб, уюшма фаолиятининг самарадорлигини ошириш, миллий

адабиётимизни ривожлантириш масаласи бўйича берган кўрсатмасида болалар адабиёти юзасидан тўхталиб: “Айниқса, биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган болалар адабиётини ривожлантиришга алоҳида эътибор баришимиз, мустақил фикрлайдиган шахснинг шаклланиши, ҳар қандай китобхонлик, мутолаа маданияти болаликдан бошланишини доимо ёдда тутишимиз лозим”, деб таъкидлаб ўтди. Барчамизга маълумки, болалар учун яратилган санъат асарлари энг аввало тарбия воситасидир. Кичкинтойлар учун ёзиладиган ҳар қандай бадиий асар уларнинг ёш хусусиятларига, савияларига мос, китобхонлар ва томошабинлар қалбида ўй-фикрлар уйғотадиган, ёрқин образларга бой, юксак ғояларга, улкан ва порлоқ ишларга илҳомлантирадиган бўлиши зарур. Энг муҳими, мавзулар тушунарли, содда ва қизиқарли тилда ифодаланиши қарак.

Болалар учун яратилган асарлар ёшларни имон-эътиқодли ва она-Ватанга муҳаббатли қилиб тарбиялашда мустақил мамлакатимизнинг қудратли қуролидир. Фақат чинакам бадиий асарларгина болаларга кучли таъсир кўрсатиб, ана шу юксак талабларга жавоб бера олади. Демак, бундай санъат асарлари педагогик ва психологик нуқтайи назардан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Адабий асарнинг тили унинг ғоявий мазмунини аниқ ва ифодали очиб бериш воситасидир. Яхши, аниқ, раво, образли, бой тил билан яратилган асар ижодкорнинг мақсад ва фикрларини томошабинлар қалбига тез ва осон етиб боради.

Болалар учун ижод қилганларнинг энг яхши асарлари ёш авлодни ҳаётга тўғри муносабатда бўлишга ўргатади, она диёримизга, меҳнатга муҳаббат, замонамизга садоқат руҳида тарбиялайди, уларни юртимизнинг муносиб фарзандлари бўлишга чақиради. Санъат асарлари боланинг дунёқарашини шакллантиришга ёрдам боради, характери тарбиялайди, илм-фанга муҳаббатини оширади.

Одатда, бола оламга келибдики, онани танийди, унинг ҳидини, қадам ташлашини, нафас олишини дарҳол сезиб олади. Она бир дақиқа ўзидан узоқлашса хархаша қилади, инграб йиғлайди. Чунки бу норасида онанинг қорнида эканлигидаёқ уни ўзига кашф қилиб олган. Шу онанинг кўмагида атроф-муҳит билан, ўзини қуршаб олган олам билан танишади. Онанинг алласи, қўшиғи, эртаги мурғак қалбида бир умрга муҳрланиб қолади. Фолклор, ёзма адабиёт ва мультфильм намуналари болаларнинг маънавий дунёсини бойитадиган омиллардандир. Ўйнаб ва шўхлик қила туриб, бола нима яхши ва нима ёмонлигини, нарсалар дунёсини, ҳайвонот дунёсини, одамлар дунёсини англаб боради. Хулоса қилиб айтганда, болалар ўзлари кўрган асарлари ёрдамида аста-сакин атроф-муҳит билан танишадилар, она юртга меҳр-оқибатли бўлишни, табиатни асрашни, меҳнатни савишни ўрганадилар.

Асар қаҳрамонларига характеристика

Оқил — оқ рангли, ҳар бир гапини ўйлаб гапирадиган, нигоҳларида улуғлик нурлари порлаб турадиган, адолатли ва доно бўрилар сардори.

Кўккююн — кўк рангли, ўрта гавдали, кўзлари қора. Ақлли ва кучли эканлиги кўриниб турадиган жасур бўри. Кўккююн мард, адолатли ва ғурурли. Тумора она бўрининг жуфти.

Қорабош — қора рангли, улкан гавдали, кўзлари яшил, доим ғазаб билан юрадиган, ёвуз ва ваҳший бўри.

Бўрибосар — туғилганига йигирма кунлар бўлган, панжалари, қулоқлари ва пешонаси оқ. Бўрибосар яқинларини ҳимоя қилиш учун жонини берадиган ит.

Бўйноқ — чўпон ити, Бўрибосарнинг онаси.

Тумора — яқинда она бўлган, кўзларида меҳр товланадиган, гавдаси унча катта бўлмаса ҳам жасурликда бошқалардан қолишмайдиган бўри. Кўкқуюннинг жуфти.

Чакмоқтош — кўнғир рангли, ўрта гавдали бўри, Кўкқуюннинг содиқ дўсти.

Чўлоқ — олдиндаги чап панжаси йўқ, маҳмадона ва сотқин бўри. Чўлоқ ҳам ваҳший лекин қўрқоқлиги бу хислатини намоён қилишига тўсқинлик қилади.

Биркўз — бир кўзи кўр, ўртача гавдали, Қорабошнинг содиқ дўсти. Биркўз ақли пастроқ Қорабош нима деса қабул қиладиган бўри.

Қузғун — оқ бошли ўлаксахўр. Қорабошнинг ҳамтовоғи.

Қорпарча — урғочи ёш бўри. Бўрибосарни ёқтиради.

Чўпон бола — Оддий, меҳрибон ва содда бола.

Икки бўривачча – отасининг хислатларига эга, мард бўрилар.

БЎРИБОСАР

(мультсценарий)

Қатнашувчилар:

Оқил.

Кўкқуюн — Тумора она бўрининг жуфти.

Қорабош.

Бўрибосар.

Бўйноқ — чўпон ити, Бўрибосарнинг онаси.

Тумора — Кўккуюннинг жуфти.

Чакмоқтош — Кўккуюннинг содиқ дўсти.

Чўлоқ.

Биркўз — Қорабошнинг содиқ дўсти.

Қузғун.

Қорпарча.

Чўпон бола.

Икки бўривачча.

*Тонг. Дала. Ёввойи ўтлар ўсган, Чўпон бола келади. Эндигина тузилган
Бўрибосар ва она Бўйноқни кўриб, хурсанд бўлиб кетади.*

Чўпон бола. Салом, миттивой!

Бўрибосар. Вов-вов?

Бўйноқ. Бу — сенинг дўстинг.

Чўпон бола Бўрибосарни кўтариб олади

Чўпон бола. Сен Бўрибосарсан. Манави ерлар ва қўйларни
кўряпсанми? Ҳаммаси иккимизники. Бирга ҳамма бўриларни қувиб юборамиз.

*Чўпон бола билан Бўрибосар қувлашмачоқ ўйнайди, ўтлар устида
юмалайди, уларнинг кулгуси эшитилади.*

Ўтов. Чўпон бола билан Бўрибосар Чақмоқтош чақишидан уйғониб кетади. Ёмғир овози ва итларнинг хуриши эшитилади. Бўрибосар ташқарига югуриб чиқади.

Чўпон бола. Тўхта Бўрибосар. Ташқарига чикма.

Чўпон бола Бўрибосарнинг ортидан чиқади. Қорабош ўз тўдаси билан қўйларга ҳужум қилади. Улар Чақмоқтош чаққанида янада дахшатли кўринади. Чўпон бола Бўрибосарга етиб олади, уни кўтариб дарё ёқасида ўсган дарахтга чиқаётганда Қорабош уларга яқинлашади. Чўпон бола Бўрибосарни дарёга беҳосдан тушуриб юборади.

Чўпон бола. Йўқ.... Бўрибосар қайтиб кел. Қачон бўлса ҳам.

Бўрибосар оқиб кетади. Қорабош бир Бўрибосарга, бир Чўпон болага қараб, ириллаб қўйларга ҳужум қилишига қайтади.

Бўрибосар қалтираб сувдан чиқади. Жунжикиб уйини излаб, Туморанинг уяси яқинига келиб қолади. Ҳушидан кетади. Тумора келади, Бўрибосарни хидлаб кўради.

Бўрибосар. (алаҳсираб) Она, Онажон.....

Туморанинг оналик Меҳри уйғониб, Бўрибосарни оғзида тишлаб уясига олиб кетади.

Тумора она бўрининг уни. Хас-хашаклардан тўшалган тўшакда учта бўриваччаси ётибди. Бўриваччалари кўзи очилган, аммо кўп вақтини ухлаш билан ўтказадиган пайтда. Бўрибосар кўзини очади. Тумора Бўрибосарнинг ёнига келади.

Бўрибосар. Мен қаердаман?

(Кетмоқчи бўлади)

Тумора. Тўхта! Бир ўзинг ёлғиз юришинг хавфли. Ота-онанг қаерда?

Бўрибосар йўқ дегандай бошини қимирлатади, кўзларида ёш ялтирайди.

Тумора. Хоҳласанг биз билан қол, сени ўғил қилиб оламан. Болаларимга ака бўласан.

Бўрибосар. Ахир мен итман-ку, сизлар бўри.

Тумора. Қадим замонларда итлар билан бўриларнинг аجدодлари бир бўлган. Сен ҳам ўша бўриларнинг авлодисан.

Бўрибосар. Бўри бўлиш учун мен ҳам увлашни билишим керакми?

Тумора. Албатта, бу унчалик қийин эмас.

Увлаб юборади.

Дарё бўйида Кўкқуюн юриб кетаётганда Туморанинг увлаганини эшитиб қолади. Бутазорлардан югуриб, уясининг ёнига келади. Бўрибосар узоқдан келаётган бўрини кўриб, қўрқиб уя ичига кириб кетади. Кўкқуюн етиб келгач ўяга кирмоқчи бўлади.

Кўкқуюн. Тумора, болаларимни бир кўрай.

Тумора уяа қавагига туриб олади.

Тумора. Йўқ, Кўкқуюн. Ҳали улар жуда кичкина, сал улғайгач ўзлари чиқиб қолишади.

Шу пайт бошқа бўрининг увлагани эшитилади.

Кўкқуюн. Бўрилар сардори Оқил ҳаммани чакиряпди.

Тумора. Ҳа, бу сардорнинг овози.

Кўкқуюн бир увлаб йўлга тушади.

Кўкқуюн йўлда кетаётганда ҳар хил буталар ва дарахтлар чиқади. Бўрини кўрган ҳар хил қушлар ўзларини четга олишади, бир қуён тез қочиб

қолади. Бўри бир кичик дарёдан сакраб ўтиб, қалин бутазорга киради. У ердан атрофи буталар билан ўралган очиқ майдонга чиқади. _Кўкқуюн Оқилнинг ёнига келиб туради. Қарама-қарши тарафга Қорабош келиб туради.

Чақмоқтош Кўкқуюннинг ёнига келиб туради .Биркўз Қорабошнинг ёнига келиб туради. Охирги бўлиб кенгашига Чўлоқ келиб қўйишади.

Кўкқуюн. Салом дўстлар!

Чақмоқтош. Салом Кўкқуюн!

Қолган бўрилар. Сенга ҳам салом Кўкқуюн!

Фақат Қорабош индамай туради.

Оқил. Ҳамма тўпландими?

Чўлоқ. Ҳамма тўпланди.

Оқил. Дарё бўйидаги ерларимиз анча қаровсиз бўлиб қолди. Бир томондан овчилар кун беришмаётган бўлса, иккинчи томондан тулки-шақоллар билганини қилиб юришибди. Дарё бўйини назорат қилиш иккинчи сардор тайинлаб қўйишим керак.

Ҳамма бўрилар бир-бирига маъноли қараб қўйишади.

Чўлоқ. (Айёрлик билан) Хўш, халиги гапни чўзиб нима қилдим. Иккинчи сардор мен бўла қолай. Ахир, сиздан бошқа ҳаммадан ёшим катта.

Қолган бўрилар унга ириллаб қўйишади.

Оқил. Иккинчи сардор Кўкқуюн бўлади. Унинг қилаётган ишлари менга маъқул.

Кўкқуюннинг тарафдорлари мамнун бир-бирига қарайди. Қорабошнинг тарафдорлари ҳам бир-бирига маъноли қараб қўяди.

Оқил секин юриб оқ буталар ичига кириб кетади.

Қорабош. Кўрамиз! Кетдик!

Қорабош ва унинг тарафдорлари кетишади.

Чақмоқтош. Табриклайман дўстим!

Кўккуюн. Раҳмат, Чақмоқтош.

Қолган бўрилар. Табриклаймиз!

Чўлоқ. Табриклайман лекин чўлоқ бўлмаганимда мен иккинчи сардор бўлар эдим. *Чўлоқ оёғини ялаб қўяман деб йиқилиб тушади, қолган бўрилар кўлишади.*

Чўлоқ. Мен кетдим.

Буталар ичига кириб кетади.

Кўккуюн. Дапё бўйини ўз назоратимизга оламиз.

Келган йўлидан уйига қайтади.

Туморанинг уяси. Кўккуюн кириб келади. Бўрибосарни кўради ва унга ташиланмоқчи бўлади. Тумора бир сакраб Кўккуюн билан Бўрибосарнинг ўртасига тушади.

Кўккуюн. Мехрана, ит болсаси бу ерда нима қияпти?

Тумора. Мен уни асраб олдим. Тегманг унга, Кўккуюн.

Кўккуюн. Ахир, бу ит-ку, Бизнинг орамизда унга жой йўқ.

Тумора. Боланинг бегонаси бўлмайди. Ит бўлса нима қилибди.

Бўрибосар. Мен кетаман, Сизларга ташвиш бўлмай.

Тумора. Йўқ, сен ҳеч қаёққа кетмайсан. Кўккуюн, Шу митти кучукча бир ўзи қаёққа боради. Шунчалик бағри тошмисиз.

Кўккуюн. Агар бу ишимизни кимдир билиб қолса, мени бўрилар кенгашидан ҳайдашади. Шу эгаллаб турган еримиздан ҳам маҳрум бўламиз. Итга ота-она бўлиш қандай иснод эканлигини билмайсанми?

Бўрибосар йугуриб чиқиб кетади. Тумора ортидан югуради.

Кўккуюн. Индама кетаверсин.

Тумора. Ҳозир келаман.

Югуриб кетаётган Бўрибосарга Тумора етиб олади.

Тумора. Тўхта, қаёққа кетаяпсан.

Бўрибосар. Дарёнинг нариги тамонига.

Тумора. Нега одамлар ёнига кетяпсан?

Бўриборсар. Чунки, ўша ерда туғилганман.

Тумора. Дарёдан катта. Сен ҳали сузиб ўтолмайсан. Юр! Кетдик уйга, ўзим сени ҳимоя қиламан.

Бўрибосар. Вов-вов.

Тумора билан Бўрибосар уяга йўл олишади. Бўрибосар ортига қараб кетади.

Уя ёнида ўтирган Бўрибосарга икки бўривачча ва Қорпарча эгилиб-бекиниб келиб, ҳужум қилмоқчи бўлади.

Биринчи бўривачча. (Бўрибосарга имо қилиб.) Ўлжа!

Иккинчи бўривачча. Ҳужумга!

Улар Бўрибосарга ташланишади, ҳар жойларидан тишлаб ташлашади. Бўрибосар улардан қочиб тепалик устига чиқиб олади.

Қорпарча. Пастга туш, ҳей ўлжа.

Биринчи бўривачча. Бу ёққа кел, кўрқоқ.

Иккинчи бўривачча. Ҳозир сени ғажиб ташлаймиз.

Бўриваччалар тепаликка чиқмоқчи бўлиб кўп ҳаракат қилади, Бўрибосарга қараб ириллашади, аммо чиқа олишмайди. Бўрибосар тепалик устида узоқдаги дарёга қараб туриб қолади ва шу ҳолатда у биров катталашади.

Қорабошнинг тоғли ҳудуди. Қия жой. Бир тошни устида Қорабош ўтиради, пастроқда тўртда бўри туради.

Қорабош. Бунга ортиқ чидаб бўлмайди.

Биринчи бўри. Нима бўлди, хўжайин?

Қорабош. Нима бўлди дейсамми? Аҳмоқ. Бугун Оқил кенгашга келмас экан.

Иккинчи бўри. Шунга жахлингиз чиқяптими?

Қорабош. Тушунмадингларми? Овсарлар. Бу дегани: бугун Кўккуюн сардорнинг ўрнида бўлади.

Биркўз. Қорабош, менга қуйиб берсангиз уни ғажиб ташлайман.

Қорабош. Ховлиқма Биркўз. Кўккуюн сенга қуён эмас.

Тўрттинчи бўри. Қузғун келяпти.

Қузғун учиб келиб дарахтнинг пастки шохига қўнади.

Қорабош. Қаерда юрибсан, ўлаксахўр?

Қузғун. Менга иш борми, хўжайин?

Қорабош. Ҳа, бор, лекин сен ландавур эплай олармикансан.

Қузғун. Қанақа иш экан, мен эплай олмайдиган?

Қорабош. Кўккуюнни тинчитиш керак, манави лақмалардан битта гап ҳам чиқмайди.

Биркўз. Хужайин биздан гап чиқмаганда, манави товук миядан гап чиқармиди. Эх-ха-ха-ха.

Қолган бўрилар ҳам кулади. Қузғуннинг жаҳли чиқиб, Биркўзнинг устига келиб, елкасидан оёғи билан гижимлайди ва биров кўтаради. Бўри оғирлик қилиб тушиб кетади. Қузғун учиб жойига қўнади.

Биркўз. Қўлимга тушсанг, патингни юламан, лаънати.

Қорабош. Жим, шу товук мия зўр фикр берди. Қузғун Кўккуюннинг уяси, болаларини биласанми?

Қузғун. Биламан.

Қорабош. Улар ҳали кичкина, сен бўриваччалардан биттасини ўғирлаб келасан.

Қузғун. (қанотини силкиб) Хўп бўлади, хўжайин.

Қузғун учиб кетади.

Қорабош. Ҳа-ҳа-ҳа...

Қузғун бутазорлар устида парвоз қилиб, бўриваччаларни уядан чиқишини пойлайди. Нарироқда анча катта бўлиб қолган Бўрибосар уя атрофида ўралашаётган Қузғунни кўриб шубҳаланади. Қорпарча югуриб чиқади, бир капалакни кетидан қувади. Қорпарча Қузғун учун айни муддао бўлиб, Қорпарча томонга пастлаб уча бошлайди. Бўрибосар дарҳол Қорпарча томонга югуради. Узоқдан Кўкқуюн ҳам бу ҳолатни кўриб қолиб, Қорпарча томон югуради. Қорпарча ўзи томон учиб келаётган қузғунни кўриб, уя томон қочади. Қузғун энди Қорпарчага етай деганда, Бўрибосар етиб келиб қузғунни қанотидан тишлайди. Бўрибосар билан Қузғун йиқилиб, юмалаб кетади. Қузғуннинг анчагина патлари Бўрибосарнинг оғзида қолади, Қузғун бир амалаб учиб кетади. Қорпарча уяга кириб кетади. Кўкқуюн Бўрибосарнинг олдига етиб келади. Бўрибосар ўзини Кўкқуюннинг олдида ноқулай хис қилиб, четга қараб оғзидаги патларни туфлайди. Она бўри уядан туриб бу ҳолни кузатади. Кўкқуюн Бўрибосарга илк бор ҳақиқий бўрига қарагандек индамай туради. Бўрибосар Кўкқуюннинг унга ишонч билан қараганини кўриб қувонади, думини ликиллатади.

Кўкқуюн. Мен бўрилар кенгашига боришим керак, Сен шу ерда бўл. Ҳа, айтганча, Ҳақиқий бўри бўлмаман десанг, ҳеч қачон думингни ликиллатма.

Бўрибосар бу одатидан уялади.

Бўрибосар. паст овозда Хўп.

Кўкқуюн кетади.

Қорабош ўз тўдаси билан қузғунни кутиб туради. Қузғун бир амаллаб учиб келиб ерга қунади.

Қузғун. Хўжайин.

Қорабош. Нима бўлди?

Қузғун. Кўкқуюннинг бўриваччасига энди ташланаётган эдим, бир кўппак пайдо бўлиб, қанотимни тишлаб олди. Мана қаранг.

Патлари тўкилган қанотини кўрсатади.

Қорабош. Ярамас. *(Қузғун қўрқиб учади, дарахт шохига қўнади.)* Бу ўша.

Биркўз. Нимани айтяпсиз, Қорабош.

Қорабош. Биз бир пайтлар кириб ташлаган чўпон итларнинг боласи, бўрибосар зотидан. *(Бўрилар бир сесканиб тушишади.)* Агар катта бўлса, бир кун бизга хавф солиши аниқ.

Биркўз. Хой пати йўқ товук. Аниқ кўрдингми Бўрибосарни? Кўкқуюннинг уясида у нима қилади?

Қузғун. Мен ўн чакиримдан ўлжамни кўраман, Сенга ўхшаб бир кўзим кўр эмас. Вой-вой, қанотим-эй.

Қорабош. Кўкқуюннинг ҳудудида ит яшаши биз учун айти муддао. Тез орада иккаласидан ҳам қутуламиз. Дўстларим, Кўкқуюн итни ўзига ўғил қилиб олибди деган гап тарқатинглар. Йўқол ҳамманг... Ҳа-ҳа-ҳа.

Бўрилар кенгаши. Оқил билан Кўкқуюндан бошқа ҳамма шу ерда.

Чўлоқ. Кўкқуюн итни ўзига ўғил қилиб олибди, энди менда иккинчи сардор бўлишга имкон бор.

Биркўз. Бўриларга бош бўлиш учун, аввал бўри бўлиш керак, Чўлоқ.

Бўрилар кулишади.

Чўлоқ.(*Чўлоқ оёғини ялаб.*) Агар манави битта оёғим бўлганда эди, адабингни бериб кўярдим, Биркўз.

Биркўз. Агар яна битта оёғинг бўлмаганда эди, хақиқий лайлак бўлар эдинг. Ха-ха-ха.

Бўрилар яна кулишади. Оқил билан Кўкқуюн кенгашга кириб келишади.

Оқил. Биродарларим, нега бунча дарғазабсизлар?

Бўрилар шовқин қилишади.

Бўрилар. Бундай бўлиши мумкин эмас, у бўриликка иснод келтирди...

Оқил. Кўкқуюннинг ҳудудида ит боласи яшашига мен рухсат берганман.

Кўкқуюн. Сардор!

Оқил. Ит боласи ҳақида бошқа гар сўз бўлмайди, тушунарлими?

Оқил чиқиб кетади, унга Кўкқуюн ва Чақмоқтош ҳам эргашади.

Қорабош. Энди бизларга итнинг отаси буйруқ берадими , бунга қандай чидаш мумкин.

Биркўз. Эрта-индин ўғлини кенгашга олиб келса, ит билан бир сафда турамизми? Итни бу ерда кўргандан кўра, иккинчи кўзим ҳам кўр бўлгани яхши.

Чўлоқ. Мен иккинчи сардор бўлганимда, шунча муаммолар йўқ эди.

Чўлоқ гавдасини тўғри тутушига ҳаракат қилиб йиқилиб тушади.

Экскаватор кўприк қуради. У кичик, лекин бақувват. Икки ёни баланд қилиб қурилади , қўйлар подаси кўприкдан ўтиб келади. Қорабошнинг тўдаси пистирмадан туриб, энди хужум қилаётганда, Тепаликдан бу ҳолни кузатган Бўрибосар югуриб келиб, қаттиқ ҳуради. Қўйлар орқага қайтиб, кўприкдан ўтиб кетишади. Қорабошнинг тўдаси Бўрибосарни ўраб олади.

Қорабош. Қўйларни қочириб юбординг, энди сени еймизми?

Қорабош Бўрибосарга таиланади, Бўрибосар унга чап беради.

Қорабош. Нимага қараб турибсизлар, ландавурлар? Ғажинглар.

Кўкқуюн билан Чақмоқтош келади.

Кўкқуюн. Тўхтанглар! Унга тегманглар.

Бўрилар тўхтайдди.

Кўкқуюн. (*Бўрибосарга қараб.*) Кет бу ердан.

Қорабош. Кўкқуюн, сен аралашма.

Кўкқуюн. Бу менинг ерим, Қорабош. Жўна маконингга.

Қорабош. Сен битта итни деб ўз қавмингга қарши чиқяпсанми? Бунинг жавобини оласан. Сардорнинг ёрдамчиси...

Бўрибосар кўприкка боради, бир тарафдан итларнинг ҳуриши, бир тарафдан бўриларнинг увлаши эшитилади. Бўрибосар дарёнинг нариги тарафига ўтади. Кейин, яна ортга қайтади ва яна бу ҳол такрорланади. Сўнг кўприк ўртасида қолади.

Қорабошнинг ҳудуди. Биркўз Билан Қорабош ёлғиз. Қорабош одатдагидан асабийлашган, уёқдан-буёққа юради.

Қорабош. (*Ўзига ўзи*) Бу ҳамманинг ғашига теккани аниқ. Энди, кўпчиликни ўз тарафимизга оғдиришимиз керак. Лекин, ҳали Оқил тирик экан, Кўкқуюннинг тарафдорлари хиёнат қилишга рози бўлишмайди. Ҳа, Кўкқуюн битта итни деб ўлиб кетишинг аниқ. Лекин, қачон? Қачон?...

Қорабош. Биркўз, Оқилни ўлдир!

Биркўз. Нима.

Қорабош. Сен уни ўлдирасан. Аммо, бу ишни Бўрибосар қилгандек кўрсатиб, ҳамма бўриларни ўз тарафимизга ўтказиб оламиз.

Биркўз. Нималар деяпсиз? Ахир, Оқил... Унга теголмайман.

Қорабош. Унинг ўлими ҳаммага фойда келтиради. Барибир қариб қолган, эрта-индин жони узилади.

Биркўз. Йўқ.

Қорабош. Бўлмаса, ўлжангни итга олдириб, бўйнингни қисиб юравер... Бошқа иложимиз йўқ.

Биркўз. Майли, Қорабош сиз учун уни ўлдираман.

Қорабош, Бор.

Биркўз кетади. Қорабошнинг бўрилари билан Чўлоқ келади. Чўлоқни бўрилар ўраб олишади.

Қорабош. Кўккююнга содиқ бўлиб қолибсанми?

Чўлоқ. Мен фақат Оқилга содиқман.

Қорабош. Чўпон итларни оиласи билан қириб ташлаганимиз ёдингдами.

Чўлоқ. Бунга анча бўлди, эсимда йўқ.

Қорабош. Эслолмаётган бўлсанг (*Чўлоқнинг оёғини тишлайди.*)

Чўлоқ. Ааа! Қўйвор.

Қорабош. Ўшанда битта панжангдан айрилгандинг. Итваччага бу воқеаларни айтсак, сени соғ қўярмикан.

Чўлоқ. Мен Кўккююнни билмайман, мен сени биламан.

Бўрилар жой-жойига туришади.

Қорабош. Ҳамманг эшит. Ўша Бўрибосар Оқилни ўлдирди. Энди бориб барча бўриларга айтинглар. Ким Оқилни ўлдирганини.

Кўккююннинг ҳудуди. Бўриваччалар анча катта бўлган. Қорпарча укалари билан ҳазиллашиб уришади, қувлашмачоқ уйнайди, ёлгондан бир-бирларини тишлайди.

Биринчи бўривачча. Бўрибосар келяпти, кетдик.

Иккита бўривачча кетади. Жуда катта бўлган, баҳайбат Бўрибосар оғзида гул тишлаб келади. Қорпарчага гулни туттади.

Қорпарча. Раҳмат!

Оғзи билан гулни олади. Кўкқуюн уядан чиқиб келади, Қорпарча уялиб гулни ташлайди, унига кириб кетади.

Кўкқуюн. Увлашни билишинг керак, қани увлачи.

Бўрибосар. Вов-вов, увов-увов.

Кўкқуюн. Бўлди қил, барибир уддалай олмайсан.

Чақмоқтош югуриб келади.

Чақмоқтош. Кўкқуюн! Кўкқуюн! Фалокат! Фалокат!

Кўкқуюн. Нима бўлди? Чақмоқтош...

Чақмоқтош. Оқил сардорнинг жони узилибди.

Қорабош ҳамма бўриларни ўз томонига оғдириб, бизга хужум қилгани келмоқда.

Кўкқуюн. Оҳ улуғ сардор! Энди, Оқилсиз нима қиламиз?

Чақмоқтош. Тезроқ қочиб қолайлик! Улар жуда кўпчилик.

Кўкқуюн. Бўри ўз уйини ҳеч қачон ташлаб кетмайди.

Бўрибосар. Биз жанг қилиб, оиламизни ҳимоя қиламиз.

Ичкаридан Тумора уч нафар бўривачча билан чиқади.

Тумора. Нима бўлди?

Кўкқуюн. Қорабош исён қилибди. Тумора болаларни олиб, дарёнинг нариги тарафига ўт. Биз шу ерда жанг қиламиз. *(Бўрибосарга қараб.)* Сен ҳам бирга кет.

Тумора. *(Бўрибосарга қараб.)* Сен укаларингни олиб кет, мен шу ерда қоламан.

Бўрибосар. Қорпарча укаларимни олиб, бу ердан кет. Мен ҳам жанг қиламан.

Бўриваччалар. Биз ҳеч қачон ўз уйимизни ташлаб кетмаймиз. Шу ерда қоламиз.

Қорабош ва қолган бўрилар етиб келиб, Кўкқуюннинг оиласини ўраб олади.

Қорабош. Сен катта хато қилдинг, итваччани уйингга киргизиб. Энди шу хатонг учун жавоб берасан.

Кўкқуюнга ташланади. Кўкқуюн ҳам унга ташланади. Бўрибосар ҳам Қорабошга ташиланиб уни иргитиб юборади. Биркўз Бўрибосарга ташланмоқчи бўлади. Бўрибосар эпчиллик билан унинг бўғзидан тишлайди. Чақмоқтош Чўлоқни бўғзидан тишлайди. Қорабош Чақмоқтошнинг белидан тишлайди. Кўкқуюн оиласини ҳимоя қилишга урунади. Ҳамма бўрилар Кўкқуюннинг оиласи, Чақмоқтош ва Бўрибосарга ташланади. Бўрилар қаттиқ жанг қилади, Қорабош тарафдорлари кўпчилик бўлгани учун ғалаба қозона бошлайди. Бўрибосарга бирданига беш-олти бўри ташланади, Бўрибосар уларга бўйин эгмайди. Бирдан яраланган Оқил пайдо бўлади.

Оқил. Бас қилинглар! Тўхтанглар!

Ҳамма бўрилар тўхтайди. Бўрибосар Биркўзни қўйиб юборади, лекин у ўрнидан туролмай типирчилайди. Чақмоқтош ва Чўлоқ ҳам жонсиз йиқилади.

Оқил. Қорабош, ваҳший қотил! Аввал мени ўлдиртириб, кейин Кўкқуюнни ҳам ўлдирмоқчи бўлдинг.

Қорабош. Мен фақат итваччани ўлдирмоқчи эдим, булар бўлса менинг йўлимни тўсишди.

Оқил. Бас қил, муттаҳам. Ҳақиқий бўри мард бўлади, сендака нормардга орамизда жой йўқ. Бизнинг ҳудудга соянг ҳам тушмасин. Кет.

Оқил Қорабош тарафга йўқол дегандай яқинлашади. Қорабош Оқилга ташланади. Унинг бўғзидан тишлайди.

Қорабош. Мен энди бўрилар сардориман, менга ҳеч ким кет дея ёлмайди.

Оқил ҳам йиқилади.

Ҳамма бўрилар.Сардор! Сардор!

Қорабош. Мен сардорман. Энди, мен сардорман. Энди, ҳеч ким менга қарши чиқолмайди.

Бўрибосар. Мен сенга қарши чиқаман, сенга Қорабош.

Бўрилар ораларини очиб, Бўрибосарга йўл беришади. Улар бир-бириларининг кўзига қараб, айланиб, ҳужумга шайланишади.

Қорабош. Ит ҳеч қачон бўрини енголмайди.

Бўрибосар. Ит ўз дўстлари учун жонини беришга қодир.

Қорабош. Чунки, сенлар инсоннинг малайисанлар.

Бўрибосар. Биз инсоннинг дўстимиз.

Қорабош Бўрибосарнинг қулоғидан тишлаб ерга босади. Бўрибосар бир амаллаб унинг тишларидан қутилади. Қорабош Бўрибосарни елкасидан тишлаб олади. Ҳамма бўрилар уларни ўраб олади, қандай жанг қилишини кузатади. Бир қулоғи йиртилиб қон оқаётган Бўрибосар яна Қорабошнинг тишларидан қутилади. Бу сафар елкасидан ҳам жароҳат олади. Улар тагин бир-бирларига ташланишади, Қорабош Бўрибосарнинг юзидан тишлайди. Бўрибосар бор кучи билан Қорабошга интилади, улар орқанги икки оёқда тикка бўлиб қолишади. Бўрибосар Қорабошнинг тишларидан қутилиб, унинг бўйнидан тишлайди. Қорабош қанчалик уринмасин, энди, Бўрибосарнинг тишларидан қутилолмайди ва жон таслим қилади. Кўкқуюн Оқил ётган жойга келади ва увлайди, қолган бўрилар ҳам унга қўшилиб увлайди. Фақат Бўрибосар увламайди, ҳамма бўрилар унга қараб қолади.

* * *

Чўпон бола қўйларни ҳайдаб кўприкдан ўтиб келади ва бутазорда Бўрибосар билан юзма-юз бўлади.

Чўпон бола. Бу сенмисан? Бўрибосар! Сени жуда кўп изладим. Роса катта бўлиб кетибсан-ку. Мени эслаяпсанми?

Шунда Бўрибосар болага қараб ёшлигини эслайди...

Чўпон бола. Сен Бўрибосарсан. Манави ерлар ва қўйларни кўряпсанми? Ҳаммаси иккимизники. Бирга ҳамма бўриларни қувиб юборамиз.

Чўпон бола билан Бўрибосар қувлашмачоқ ўйнайди, ўтлар устида юмалайди, уларнинг кулгуси эшитилади.

Бу воқеяларни эслаган Бўрибосар Чўпон болага қараб секин ҳуради. Чўпон бола Бўрибосарни бағрига босади, Бўрибосар ҳам унга эркаланади. Шу пайт барча бўрилар йигилиб, қўйларга ҳужум қилишга келади. Бўрибосар югуриб келиб уларнинг йўлини тўсади ва ҳуради. Бўрибоса виқор билан туради. Бўрилар ҳужум қилишга шайланади. Кўкқуюн бўриларга кетдик деган ишора беради.

Бўрилардан бири.Нега?

Кўкқуюн. Бўрибосар ит бор жойга ҳужум қилмаган маъқул.

Бўрилар кета бошлайди. Бўрибосар Кўкқуюн, Тумора ва Қорпарчанинг ёнига келади. Тумора ва Қорпарчанинг юзига Бўрибосар юзини теккизиди ва ортига қайтади.

Қорпарча. Бундай килманг, ўз томонингизга қайтинг.

Тумора. Қорпарча, у энди, ўз томонида.

Бўрибосар чўпон боланинг ёнига боради. Чўпон бола уни кучоқлаб эркалаб қўяди.

ТАМОМ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Расмий манбалар:

I. 1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. //Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

I. 2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамыз. 2017 йил

I. 3. Мирзиёев Ш.М.Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. 2017 йил

I. 4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаравон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда қурамыз.2017 йил

I. 6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент: Ўзбекистон, 2016

I. 8. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.:Маънавият, 2008.

I. 11. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида
—

Т.:Ўзбекистон, 2011.

II. ИЛМИЙ МАНБАЛАР

- II. 1. Абдусаматов Х. Саҳна темурномаси. –Ташкент.: 2008.
- II.2. Қодиров М. Навоий ва саҳна санъати. – Ташкент.: 2000.
- II.3. Холикулова Г. Саҳна нутқи(тарихий драмалар талқинида). –Ташкент.: 2008.
- II.4. Раҳматуллаева Д. Тарихий драманинг уйғониш даври (Миллий истиқлол ва миллий театр номли тўплам). –Ташкент.: Янги аср авлоди. 1983. 160-187 бетлар.
- II.5. Исломов Т. Тарих ва саҳна. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1998.
- II.6. Икромов Ҳ. “Замонавий ўзбек театрида миллий истиқлол ғоясининг шакллантириш жараёнлари” (Тарихий асарлар талқинлари).-Т.: 2010.
- II.7. Икромов Ҳ. Давр ва театр. –Т.: Ўзбекитсон миллий энциклопедияси. Давлат миллий нашриёти. 2009.
- II.9. Азизов Т. Менинг режиссёрлик ишларим. –Т.: Академнашр, 2010.
- II. 10. Баяндиев Т., Икромов Ҳ., Аҳмаджонова М. Ўзбек театрида миллий ғоя талқини. – Т.: Фан ва технологиялар Маркази босмахонаси. 2009.
- II. 11. Истиқлол ва миллий театр. Тўплам. Т.: Янги аср авлоди, 2002.
- II. 12. Ризаев О. Наби Раҳимов. Ижодий портрет. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.
- II. 13. Ризаев Ш. Жадид драмаси . – Т.: Шарқ, 1997.
- II. 14. Ризаев Ш. Саҳна маънавияти. – Т.: Маънавият, 2000.
- II. 15. Султонов И. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980.
- II. 16. Турсунов Т. Саҳна ва замон. – Т.: Янги аср авлоди, 2007.

III. ЖУРНАЛ ВА ГАЗЕТА МАҚОЛАЛАРИ

III.1.Турсунов Т. Чўлпон дастхатининг тарихи.- //Театр, №5.-Т., 2001.

III.2. Турсунов Т. Абдулла Қодирий сахнада.- //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1989 йил, 10 март.

III.3. Э. Ёринов. И.Абдурахмонов. Уч кунлик имтихон.-//Театр, №6. –Т., 2006.

III.4. Икромов Ҳ. Театр томошабинини изламоқда // Театр. 2004, 5-6 қўшма сон, 9- 10 б.

III.5. Исломов Т. Драматургиянинг баъзи масалалари // Театр, 2003, 3 сон, 14-15 б.

III.6. Раҳматуллаева Д. Усмон Азим асарлари Миллий театр сахнасида

// Театр, 2003, 5 сон, 38-41 бетлар.

III.7. Ризаев О. Мақсад-баркамол сахна асари яратиш // Театр. 2003, 1 сон, 1-2 б.

**“Саҳна ва экран санъати драматургияси” йўналиши 4-курс битирувчиси
Султонов Баҳодирнинг битирув малакавий иши учун ёзган “Бўрибосар”
номли мультесценарийсига
ТАҚРИЗ**

Юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг барча жабхаларда бўлгани каби кино санъати соҳасида ҳам сезиларли ютуқларга эришилди. Кино ўз таракқиётининг бошлариданок адабиётга мурожаат қилади ва адабий асарларни экранлаштиради. Кино санъатининг ҳар қандай турига оид фильмлар сценарий асосида яратилиши ҳеч кимга сири эмас.

Бугунги кунда бадиий кино сценарийси тўлақонли асар бўлиб, у кинонинг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда ёзилади ва у асосида фильм яратиш мўлжалланади. Сценарий ёзиш учун унинг муаллифи ўз материални эмас, шу билан бирга кинонинг табиатини, унинг турларини, хос хусусиятини чуқур билиши талаб этилади. Айниқса, мультифилмлар учун сценарийлар яратишда муаллифдан болалар аудиториясини инобатга олиши, содда ва самимий характерлар яратиши, тил масаласига жиддий эътибор қаратиши зарур талаблардан ҳисобланади.

Ёш ижодкор Султонов Баҳодир ушбу мультесценарий орқали ўзининг драматургик имкониятларини, олган билим ва тасаввурларини асослашга ҳаракат қилади. Энг аввало мультесценарий воқеаларнинг ривожланиш жараёнларида, композицияси қурилишида мультефильм яратишнинг ўзига хос табиийликлари мавжуд. Иккинчидан, муаллифнинг воқеаларни бадиий, ҳаётий ва кизиқарли ифода қилишида фантазияга бой имкониятлари ҳам кўзга ташланади. Шу сабабли мультесценарий ўқувчининг диққатини жалб қилади ва изчил ўқиб чиқилади. Бу хусусият асарда кашф этилган характерлар борлиги, жониворлар тимсолида инсонларда мавжуд баъзи нуқсонларни бадиий таҳлил этишда изчиллик мавжудлигидадир. Асар воқеалари давомида жониворлар тимсоли орқали инсонлар тақдирида, характерида вужудга келаётган баъзи норасоликлар, юртга, дўстга, оилага, ота-онага содоқат руҳи сусайиб бораётганлиги бадиий образларда кўрсатиб берилади.

Ушбу битирув малакавий иши учун ёзилган мультесценарийси учун танланган мавзу бугунги кун учун долзарб ҳисобланиб, унда инсоний туйғулар, оилага, ишга содоқат, ор — номус масалалари “Бўрибосар” тимсолида ўртага ташланади. Бўрибосарнинг ҳатти — ҳаракатлари орқали асарнинг сюжет линияси моҳирона тасвирлаб берилади. Бундан ташқари асарда хиёнат, манманлик, ўзбўларчилик, бировнинг бахтини

кўраолмаслик, ўзгачилик бахтига чанг солиш каби инсон табиатига зид бўлган иллатлар ҳам рамзий ифодалар воситасида тасвирлаб берилади.

Сценарийнинг мултефильмга айланиши жараёнида ишланиши зарур бўлган айрим жиҳатларни кўзга ташланади. Маълумки, болажонлар ёрқин бўёқларга бой, кучли романтик қаҳрамонлик характерига эга образларни яхши кўради ва уларга эргашинга, уларнинг ҳаракати ҳамда характериини ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Назаримизда, Бўрибосар талқинида анашундай кучли романтик қаҳрамонлик руҳи етинмайди. Шу боис асар якуни болажонлар ўйлаганидан кўра соддарок ечим топади.

Малакавий битирув иши тузилиши жиҳатдан икки қисмга бўлинади. Биринчи қисмдан асар мазмунига тўлиқ таъриф, яъни “Асрнинг таҳлили” жой олган. Иккинчи қисмида эса, асар тўлиқ шаклда илова қилинади. Таҳлил давомида, мавзунинг ўрганилганлик даражаси аниқланиб, асар воқеалари тартиби маълум бир тизимга солинган ва ҳар бир қаҳрамонга қисқа характеристика бериб ўтилган. Муаллифнинг ўз асарига ҳолис таҳлилан ёндошуви ишнинг қийматини янада ошишига хизмат қилган.

Ишнинг қувонарли жиҳатларидан яна бири, дипломантнинг қаҳрамонлари тилининг ўзига ҳослигидадир. Яъни, диалогларда ишлатилган ибораларнинг аниқ ва лўндалиги. Уларга ортиқча ироҳ ва тавсифларга ҳожат йўқлиги, образли ташларнинг жойида қўлланилиши сценарийнинг томончилигини оширади.

Ишда кўнглина эътиборли ва аҳамиятли жиҳатлар билан бир қаторда баъзи кичик камчиликлар ҳам кўзга ташланади.

1. Ишда техник ва стилистик хатолар бор (ғализ, жумлалар мавжуд 12,16,23, ~~24,25,26~~ бетлар)

Ушбу мултеценарий Султонов Баҳодирнинг профессионал ижоддаги илк ками эканлигини, баъзи бир камчилик ва нуқсонлар ижодий гуруҳ ҳамкорлигида бартараф этилишини, такомиллаштирини инобатга олган ҳолда ушбу битирув малакавий ишини “иҷобий” баҳога тавсия этаман.

“Санъатшунослик ва маданиятшунослик”
кафедраси катта ўқитувчиси



Ф.М.Абдувоҳидов.

“Bo`ribosar” nomli multssenariyga

Taqriz

Men ushbu asar bilan tanishman.

Sultonov Bahodir o`zining asariga tengdoshlaridan farqli ravishda yondoshgan. U o`z asarida jonivorlar timsolida insonlar olamini tasvirlashga harakat qilib, majoziy ma`noda ba`zi adashgan kimsalarni yo`lga solish, yoshlarni halol, vatanparvar, mard bo`lishga, o`z yurtini va o`zligini unutmaslikka undaydi.

Yosh dramaturg o`zi tanlagan mavzuga mas`uliyat bilan yondoshib, hayvonlar olamini kuzatib, ularning yashash tarzini o`rganib, aynan bo`rilarni qahramon sifatida tanlab oladi. Multssenariyning bosh qahramoni Bo`ribosar nomli it bo`lib, uni Tumora nomli ona bo`ri topib oladi. Ayni shu joydan voqealar o`z rivojini topadi. Qolganlar unga qarshi tursa – da, Tumora Bo`ribosarga o`z onalik mehrini berib katta qiladi.

Inson dunyodan adolat qidirishidan oldin, avvalo, uning o`zi adolatli bo`lishi lozim. “Bo`ribosar” multssenariysining bosh qahramonining hayotda o`zi tanlab olgan adolat mezonlari bor va u o`z maqsadlari yo`lida sobitqadam. Uning obrazida jamiki yaxshiliklarning qahramonona ko`rinishi yotadi. Shu bilan birga bolalar uchun mo`ljallangan asarda dramaturg bolalargagina xos bo`lgan tuyg`ularni, soddalik va soflikni saqlab qola olgan.

Ushbu asar ekran yuzini ko`rgach dunyoning omadli multfilmlari singari bizning yosh tomoshabinlarimiz ko`nglidan joy olishiga ishonaman. Ushbu asarni baholash lozim deb topilsa, men Sultonov Bahodirning “Bo`ribosar” multssenariysini a`lo bahoga loyiq deb hisoblagan bo`lar edim.

Yosh dramaturgga ijodiy zafarlar tilab,

O`zbekiston xalq shoiri, dramaturg Usmon Azimov.

